

ТИЛШУНОСЛИКДА ДАРАЖАЛАНИШ ҚОНУНИЯТИНИНГ ИЛМИЙ ТАЛҚИНИ

Қахрамон ЭШБОЕВ

Стажёр-тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

eshboyev202020@gmail.com

Аннотация

Мақолада сўзлараро даражаланиш, даражаланиш қонуниятининг намоён бўлиши ва вужудга келиши ҳақида фикр юритилган. Градуонимия (даражаланиш) ҳодисаси ҳақидаги фикрлар илмий асослар билан келтирилган.

Таянч сўзлар: тилшунослик, градуонимия, синонимия, антонимия, оппозиция, градация.

НАУЧНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЗАКОНОМЕРНОСТИ ГРАДАЦИИ В ЛИНГВИСТИКЕ

Қахрамон ЭШБОЕВ

стажер-исследователь

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

eshboyev202020@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается межвербальная градация, проявление и возникновение закона градации. Мнения о явлении градуонимии (градации) даны на научной основе.

Ключевые слова: языкознание, градуонимия, синонимия, антонимия, оппозиция, градация.

Борлиқ ҳодиса ва қонуниятлари, ҳодисалараро муносабат кабилар тилда ҳам акс этиши табиий. Чунки тил – ҳодисалар, белги-хусусият, миқдор, ҳолат ва ҳаракатларни ифода этувчи алоҳида ижтимоий мавжудлик. Бу ҳолат тилга оид тадқиқотни борлиқ ва унинг ҳодисаларини аниқлаш, улар билан боғлиқ қонуниятларни очиш доирасидаги тадқиқот сифатида баҳолаш асоси бўлиб хизмат қилади. Айниқса, лексикологик тадқиқотларда бу яққол намоён бўлади. Тилшуносликда тил ҳодисаларини тизимли ўрганиш усули майдонга келгунга қадар сўзлараро маъновий

муносабатлар тушунчаси остида, асосан, синонимия ва антонимия муносабатлари ўрганиб келинган. Тилшуносликнинг кейинги даврларидаги тадқиқотлари натижасида сўзлараро бошқа лексик-семантик муносабатларни ҳам ажратиш, тадқиқ қилиш имконияти юзага келди. Хусусан, сўзлар маъновий жиҳатдан ўзаро даражаланиш муносабатига ҳам эга бўлиши тилшуносликка оид қатор тадқиқотларда қайд қилинганлигини кузатиш мумкин. Жаҳон тилшунослигида олимлар томонидан шу пайтгача градуонимия парадигмасига ўхшаш турли лингвистик ҳодисалар ва тушунчалар ўрганилган ва уларнинг мазкур даражаланиш ҳодисаси билан фарқли жиҳатлари ҳам мавжудлиги боис ушбу масала турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Рус тилшунослигида Н.С.Трубецкой ва Р.Якобсон ўз ишларида фонемаларнинг градуал (даражали) оппозициялари (зиддиятлари) маълум бир белгининг озлик, кўплик даражаси асосида фонемаларнинг турли вазиятларда ўзаро зидланиши ҳақида муҳим маълумот бериб ўтган [6;15].

Яна бир рус тилшуноси О.Есперсен ўз асарида контрап тушунчалар орасида оралик ҳолатларнинг ҳам мавжуд бўла олиши ва улар лексик birlikлар орқали ифодаланиши (*доим – баъзан – ҳеч қачон, кўп – бир қанча – оз каби*) ҳақиқат эканлигини [5;375] айтиб ўтади.

И.Р.Гальперин ўзининг “Stylistics” китобида климакс (градация)ни стилистик восита сифатида матндаги гапларнинг (ёки гапдаги бир турга мансуб уюшиқ бўлакларнинг) маъно ва мазмуни, аҳамияти, матннинг умумий мазмунидаги таъсирчанлиги борасидаги градуал ўсиши деб таърифлаган [2; 219-221].

Климакс (градация)га берилган ушбу таърифлар ва мисоллардан шунини англаш мумкинки, климакс стилистик восита сифатида нутқда қўлланилади, градуонимия эса ундан фарқ қилган ҳолда тилдаги синонимия, антонимия, омонимия, меронимия ва плесионимия каби лексик-семантик муносабатларни ифодаловчи тил ҳодисасидир.

Ж.Жумабаева ҳам градация тушунчасини градуонимиядан фарқлаган ҳолда стилистик градация атамасининг битта матн ичида ишлатиладиган ибора, метафора, метонимик кўчма маъноларнинг кучайиб/пасайиб боришини ифодалашини, градуонимия эса, умуман, сўзларнинг денотатив даражаланиш асосидаги жойлашувини ўзида акс эттирувчи лисоний ҳодиса эканлигини [4;81] кўрсатиб ўтади. Мазкур монографияда яна ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилган градуонимия парадигмасини рус тилшунослари С.С.Сафонова, И.И.Сушинский, Е.И.Шейгал, Ш.Балли, С.Е.Родионова ва инглиз тилшуноси Д.Болинжер каби олимлар томонидан ўрганилган интенцификация ҳодисасидан, Т.В.Матвееванинг ишида кўрсатиб ўтилган “*чрезмерность*” терминидан ҳамда муболаға (гипербола) стилистик воситасидан фарқланиши исботлаб берилди [4; 82–84]. Санаб ўтилган ушбу тушунчалар орасида ўзаро ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва улар орасида фақат градуонимия тил ҳодисасидир, қолган атамалар нутқ ҳодисаларини ифодалайди, чунки уларнинг ҳар бири нутқда, яъни муайян бир контекстда вужудга келувчи ўзига хос турли даражаланишларни ифодалайди. Рус тилшунослигида *градуонимия* терминига ўхшаш бир нечта атамалар борки, улар ҳам мазкур тушунча билан бир хил талқин этилиши баъзан учраб туради.

Тилшунослик тарихида *даража* атамаси кўпинча тил грамматикасидаги сифат даражаларига нисбатан қўлланилгани боис айнан грамматик йўл билан ҳосил қилинувчи сифат сўз туркумининг категориал формаси ҳисобланган сифатлардаги даражаланиш тилдаги лексик-семантик даражаланиш билан чалкаштириб юборилиши муаммоли ҳолатдир.

К.Кеннеди ва Л.Макнелли томонидан ёзилган мақолада [14;345-381] ҳам даражаланувчи сифатларнинг гапда кесим вазифасида келиши ҳамда уларнинг олдида қўлланилувчи даража аниқловчилари (*well, very, much, half, partially, completely, quite, really* каби) ҳақида гап боради. Ўзбек

тилшунослигида сифатлардаги даражаланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борган З.Маъруфов, А.Мадраҳимов, А.Хамитова, Ф.Исҳоқов, М.Қўлдошев ва З.Мамаражабованинг ишларида ҳамда ўзбек тилидаги айрим дарслик ва кўлланмаларда даражаланиш ҳодисаси сифатида бевосита сифат сўз туркумининг категориал формаси талқин этилган. Хусусан, Ш.Шахобиддинова ўзбек тили морфологиясининг диалектик талқинига бағишланган ишида даража категориясини янада чуқурроқ таҳлил қилди ва даража ҳамда қиёс категорияларини фарқлаш хусусидаги қарашларини асослаб берди [8;108]. Ўзбек тилидаги даража категориясини функционал-семантик майдон сифатида ўрганган тилшунос Л.Элмуродова даража тушунчасининг грамматик категория доирасига сиғмаслигини ва унинг сатҳлараро намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтади [10;28-32]. Мазкур илмий ишда даражаланиш ҳодисаси майдон сифатида ўрганилганлигига қарамай, ундаги даражаланиш ҳодисаси фақатгина сифат сўз туркумига хос грамматик категориялигича қолаверади, чунки ундаги белги даражасини ифодаловчи воситалар грамматик йўл билан ясалган ҳолда сифатларга бирикиб келади. Градуонимия эса айнан лисоний бирликлар белгиларининг грамматик йўл билан эмас, балки лексик ва семантик хусусиятлари орқали ўзаро фарқланишини ифодаловчи лексик-семантик майдондир.

Ўзбек тилида лексик антонимларни тадқиқ қилган Р.Шукуров антонимик жуфтликлар орасида оралиқ тушунчалар ёки мантиқий марказларнинг мавжудлигини (*ўтган – ҳозирги – келаси*) кўрсатиб ўтган ҳолда, мантиқий марказдан тенг узокликда ётган нуқталар ва уларни ифодаловчи сўзлар бир-бири билан антоним бўла олишини айтиб ўтади [9;30]. Ўзбек тилидаги аслий сифатларда белги даражаси семасининг меъёридан энг кўпгача бўлиши (*чиройли – кўркама – гўзал – зебо*) ҳақидаги қараш тилшунослар Р.Жабборова ва С.Ғиясовнинг тадқиқотларида берилди. Бинобарин, С. Ғиёсов номзодлик диссертациясида сифатларни

семантик жихатдан фарқловчи мезон сифатида белгининг даражаланиш мезонини кўрсатиб ўтади [3;22].

Ўзбек тилида гипонимияни таҳлил қилган Р.Сафарованинг ишида ҳам лексик-семантик муносабатлардан бири бўлган градуонимияга таъриф берилган: “Градуонимией объединяется ряд слов, указывающих на различные степени какого-либо признака или на количественные характеристики, наличие или отсутствие чего-либо. Например: *қулун, той, гўлон, дўлон, от*” [7;14]. Шу ўринда устоз Р.Сафарованинг илмий ёндашувига кичик мулоҳазамиз бор. Инсоннинг дўсти ҳисобланган отларнинг бундай аталиши уларнинг алоҳида муҳим хусусияти, жихати билан эмас балки, ёшига нисбатан даражалиш кузатилмоқда. Градуал оппозиция тушунчаси қўлланилган илмий ишлардан бири М.Нарзиеванинг ўзбек тилидаги шахсни ёш белгисига кўра атовчи отларнинг семантик структураси тадқиқига бағишланган. Унда мазкур отлар учта гуруҳга бўлиниб ўрганилган: 1) қариндошликни ифодаловчи отлар; 2) шахснинг ёшини кўрсатувчи отлар; 3) иккала хусусиятни ҳам ўзида жамлаган отлар гуруҳи. Муаллиф айнан инсоннинг ёшини ўзида ифодаловчи қуйидаги отларнинг изчил қаторида градуал оппозиция мавжудлигига урғу бериб ўтади: *чақалоқ – гўдак – бола (ўғил/қиз) – ўсмир – ўстирин – йигит/қиз – эркак/аёл – қария (чол/кампир)*. Аслида, бундай градуал оппозиция нафақат шахснинг ёшини англатувчи отлар (масалан: *қиз – жувон – хотин – кампир*) орасида, балки ҳам қариндошликни ифодаловчи отларнинг, ҳам иккала хусусиятни ўзида жамлаган отларнинг баъзилари орасида ҳам учрайди (масалан: *бобо/буви – ота/она – бола/фарзанд/қиз/ўғил – неvara – эvara – чевара*).

Шу тариқа ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзбек тилшунослигида янги термин – “градуонимия” пайдо бўлди ва уни бошқа лисоний ҳодисалардан ажратиб турувчи хусусиятлари ўрганилди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан градуонимия тушунчаси умумлингвистик ҳодиса

эканлиги исботланди ва ушбу термин турли қўлланмалар, дарсликлар ва тилшунослик терминларининг изоҳли луғатларига киритилди. Градуонимиянинг тил ҳодисаси сифатида тилшуносликнинг турли соҳаларида ҳамда турли тизимдаги тилларда тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг кейинги ривождаги зарур ва муҳим вазифалардан биридир.

Биз даражаланиш ҳодисасини энди пайдо бўлди дея олмаймиз, чунки даражаланиш ҳолатининг намоён бўлишини Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида ҳам учратамиз. Буюк мутафаккир ўзбек тилининг ифода имкониятлари кенглигини далиллаш жараёнида “*йиғламоқ*” феълининг ва бошқа сўзларнинг синонимларини таҳлил қилиш, форс-тожик тили сўзлари билан қиёслашнинг ўзи даражаланиш ҳодисаси билан ижод аҳллари ҳамиша қизиққанларини тасдиқлайдилар. Навоий “йиғи” ҳолатини ифодаловчи қуйидаги даражаланиш қаторини ажратади.

Йиғламоқ: *инграмоқ~синграмоқ~йиғламсинмоқ~сиқтамоқ~йиғламқ~ўқурмак~ҳой-ҳой йиғламоқ.*

Навоий бу сўзларнинг барчасини бир умумий маъно – изтироб чекиб, уни ифодалаш маъноси атрофига бирлашишини ва “инкирмак”дан (яъни изтироб чекиб жуда паст овоз чиқариб, ич-ичидан йиғламоқ) “ҳой-ҳой йиғламоқ” (баланд овоз билан ошкора ва узоқ йиғламоқ) сўзига томон белги даражасининг ўсиб боришини таъкидлайди. Буни ёрқин мисоллар билан далиллайди:

- 1) *Чарх зулмидаки, бўғзимни қириб йиғлармен,
Ғурур чарх киби инчкириб йиғлармен.*

Маъноси: Чарх зулми остида бўғзимни қириб йиғлайман, инграётган чархга ўхшаб ғинғиллаб йиғлайман.

- 2) *Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.*

Маъноси: Одамлардан ишқимни яширишни истайман, шунинг учун одатим гоҳ инграмоқ, гоҳ синграмоқ.

*3) Зоҳид ишқин десаки, қилгай фош,
Йиғламсинуру кўзига келмас ёш.*

Маъноси: Зоҳид ўз ишқини изҳор қилганда йиғламсирайди-ю, лекин кўзига ёш келмайди. Унинг севгиси қалбаки демак.

*4) Ул ойки кула-кула қироглатти мени,
Йиғлатти демайки, сиқтатти мени.*

Маъноси: Ул ой юзли кулги билан мени асир қилди, мени нафақат йиғлатти, балки сиқтатти.

*5) Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,
Фироқ ошибудин ҳар дам будуд янглиғ ўкирмакдур.*

Маъноси: Унинг ишқида менинг ишим кўздан қон ёшларни оқизмоқ, айрилиқ азобида ҳар дам булут каби ўкириб йиғламоқдир.

*6) Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,
Ки ҳа дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор.*

Маъноси: Ей, Навоий бу бевафо гул учун кўп ҳой-ҳой йиғлама, чунки ҳа дегунча на гулбута, на гунча, на гул қолади [6;12]

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Алишер Навоий онгли равишда сўзларни маъно даражаланиш асосида бирлашишини кўрсатади. Бу буюк сўз санъаткорининг фақат “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида махсус ажратган сўзлардан бир мисол эди. Агар ўзбек шеърятини султони ғазалларини маъновий даражаланиш нуқтаи назаридан ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйсак, бундай сўзлар қатори бир неча юзга етиши ва шоир онгли равишда даражаланувчи сўзларни ишлатиб, муболаға соҳасида махсус бадий санъат яратганининг гувоҳи бўламиз.

Дастлаб ўзбек тилшунослигида даражаланиш (градуонимия) муаммоси О.Бозоровнинг илмий ишида ёритилган, кейинчалик Ш.Орифжонова, Ж.Жумабаева каби олимлар томонидан даражаланиш

ходисаси ва унинг ўзига хос белги-хусусиятлари тадқиқи амалга оширилган. Бу тадқиқотларда даражаланиш ходисасининг тилнинг турли сатҳларидаги ўрни ва хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ўзбек тилшунослигида даражаланиш ходисасини О.Бозоровнинг [1;16] докторлик диссертациясида, Ш.Орифжонованинг [6] бевосита луғавий даражаланишга бағишланган номзодлик диссертациясида маъновий даражаланиш сўзлараро муносабатларнинг бир кўриниши эканлиги ўрганилиб, градуономик қаторлар ва уларнинг умумлаштирувчи семалари, тилшунослик фанида бу муаммонинг ўрганилиши даражаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Ш.Орифжорова ўз номзодлик диссертациясида даражаланиш қаторлари, умуман, даражаланиш ҳақида аниқ маълумотлар берган. У биринчи бўлимда сўз туркумларининг ҳар бирини градуономик қаторларга қўйиб ўз мулоҳазаларини аниқ фактлар асосида баён қилган. Бир сўз туркумининг градуономик қаторини тузишда у градуономик қаторларда синоним, антоним қаторларини ҳам кўрсатиб мисоллар билан асослаб берган.

Шу ўринда, даражаланиш ходисаси ва қонунияти, уларни ифодаловчи терминлар, даражаланишнинг турлари хусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да даражаланиш тушунчаси ва у билан боғлиқ ходисаларни ифодаловчи бир қатор луғавий birlikларнинг тавсифи келтирилган [11;663]. Жумладан:

ДАРАЖА [*а.* — босқич; мартаба, унвон; зина]

ДАРАЖА-БАДАРАЖА *рви.* Тадрижий равишда, бир даражадан иккинчи даражага кўтарилиб, аста-секин. *Улар [ухлаган меҳмонлар] бир-бирлари билан ўчакишигандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАРАЖАЛАМОҚ Даражаларга бўлмоқ, даражаларга ажратмоқ. *Термометрни даражасаламоқ.*

Академик А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да даражаланиш ҳодисасини қуйидагича таърифлайди: қарама-қарши қўйилувчиларнинг ҳар бирида бир белгининг турли даражада бўлиши асосидаги зидланиш. Масалан, *чиройли—сулув—барно—гўзал* тарзида изоҳланади [12;33].

Шу тариқа ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзбек тилшунослигида янги термин – “*градуонимия*” пайдо бўлди ва уни бошқа лисоний ҳодисалардан ажратиб турувчи хусусиятлари ўрганилди. Уларнинг сабъ-ҳаракатлари билан градуонимия тушунчаси умумлингвистик ҳодиса эканлиги исботланди ва ушбу термин турли қўлланмалар, дарсликлар ва тилшунослик терминларининг изоҳли луғатларига киритилди. Градуонимиянинг тил ҳодисаси сифатида тилшуносликнинг турли соҳаларида ҳамда турли тизимдаги тилларда тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг кейинги ривожига зарур ва муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: фил.ф.докт. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент 1997. – 270 б.
2. Гальперин И.Р. Stylistics. – Москва: Высшая школа, 1971. – 221 с.
3. Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дисс.канд. филол.наук. – Ташкент: 1983. – 22 с.
4. Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия: фил.ф.докт. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети, 2016. – 82 б.

5. Епрерсен О. Философия грамматики. – Москва: Иностранной литературы, 1958. – 375 с.
6. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: фил.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.– Тошкент: БухДУ, 1996. – 105 б.
7. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке: автореф.кан. фил. наук. – Тошкент: Академия наук Узбекской ССР Институт языка и литературы им.А.С.Пушкина, 1990. – 20 с.
8. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. – Андижон: Андижон, 1994. – 108 б.
9. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977. – 217 б.
- 10.Элмурадова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти, 2011. – 32 б.
- 11.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –808 б.
- 12.Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. –164 б.
- 13.Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 307 б.
- 14.Kennedy C., McNally L. Scale structure, degree modification and the semantics of gradable predicates // Language. 2005, № 81(2). P– 345-381.